

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш
кафедраси

Ж.М.Қурбонов, З.Э.Мамарасулов, Ж.Ж.Қурбонов

**МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ
фанидан**

**ЛЕКЦИЯЛАР КУРСИ
(I-ҚИСМ)**

Олий таълимнинг «Туризм» ва «Сервис» соҳаси йўналишларида
билим олаётган талабалар учун мўлжалланган

САМАРҚАНД - 2011

Ж.М.Қурбонов, З.Э.Мамарасулов, Ж.Ж.Қурбонов. Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш. Лекциялар курси (I-қисм). СамИСИ, 188-бет.

Такризчилар:

Комилов М.К. - Самарқанд вилояти «ЕЛХОЛДИНГ»
илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,
«Янги техника» бўлими бошлиғи

Худайшукуров Т. - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори

“Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедрасининг 2011
йил март ойидаги йиғилиши билан тавсия этилган. Баённома № 8

Институт ўқув-услубий кенгаш №____ баёни билан тасдиқланган
_____ 2011 й.

Лекциялар курсида Меҳмонхонанинг умумий классификацияси ва хусусиятлари, моддий-техникавий баъзаси, жамоавий ва яшаш қисмининг ташкилланрилиши, комплекслар хўжалигининг техникавий таъминоти ва эксплуатацияси, технологик жиҳозлар эсплуатацияси, меҳмонхоналар бошқаруви, меҳмонларни қабул қилиш, жойлаштириш хизматини ташкил этиш ва унинг технологияси бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Лекциялар курси «Туризм» ва «Сервис» соҳаси йўналишларида билим олаётган талабалар ва мутахассислар фойдаланиши мумкин.

Мавзу 1. Сўз боши. Ўзбекистонда меҳмонхона хўжалигининг ривожланиш келажаги

Дарснинг мақсади: фанининг мақсади, вазифаси ва предмети ҳамда Ўзбекистонда меҳмонхоналар хўжалигининг ривожланиши ҳақида тушунча бериш.

Асосий саволлар:

1. Фаннинг мақсади, вазифаси ва предмети
2. Ҳозирги замон хизмат кўрсатиш ва сервис фаолиятида меҳмонхонанинг тутган ўрни
3. Меҳмонхона хўжалигининг ривожланиш тарихи ва турли мамлакатлардаги хусусиятлари
4. Ўзбекистонда меҳмонхона хўжалигининг ташкилланрилиши, унинг ривожланиш келажаги.

Таянч иборалар: меҳмонхона хўжалиги, хизмат кўрсатиш, туристик комплекс, билим ва малакага эга бўлиш, мақсад, вазифа, қарор, БТТ, туризм таркиби, туризмни ташкил этиш, товерна, карвон сарой, герберк, макротарихи, олимлар фикрлари.

1. Фаннинг мақсади, вазифаси ва предмети

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳаларида туризм индустрияси, давлатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаб бормоқдаки, унинг изчил ривожланишида меҳмонхона индустрияси ҳам такомиллашиб бормоқда. Чунки, туризм индустриясида у билан чамбарчас боғланган меҳмондорчилик биснесининг омили бўлган меҳмонхоналар хўжалиги ҳисобланади.

Чунки, ҳозирги вақтдаги туризмнинг жадал равишда ривожланиши меҳмонхоналар ривожланишининг мўлжали бўлиб ҳисобланадики, унга боғлиқ вазифаларни бажаришда хизмат кўрсатишнинг сифатини, айниқса меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш сифатининг даражасини кўтариш зарур бўлади.

Меҳмонхона хўжалиги ўзига бутун бир комплекс хизматларни оладики, булар юртимиздаги ташқи ва ички туризмнинг ривожланишида, халқаро туризм бозорида рақобатдош бўлишлигини бош омили ҳисобланади. Туристик-меҳмонхона комплекси мураккаб корхоналардан ҳисобланиб, уларда юзлаб ходимлар турли

мутахассисликда меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш бўйича иш фаолияти олиб боришади.

Меҳмонхона хўжалигининг энг асосий функцияси бу – меҳмонларга вақтинчалик яшаш жойини беришдан иборат. Меҳмонхона корхонаси ўзининг сиғими, яъни номерлар сони, яшаш жойи билан бир-биридан фарқланади. Унинг ташкилий тузилмаси нимага мўлжалланганлигидан жойлашган жойидан, қабул қилинган меҳмонлар туридан ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Меҳмонхона ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда, ундаги ходимларнинг ҳар бирига турлича мажбурият ва ҳуқуқлар бериб, унга қуйидаги хизматлар: меҳмонларни қабул қилиш ва жойлаштириш, номер фондига хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, хавфсизликни таъминлаш, муҳандислик-техникавий, савдо, маркетинг ва ёрдамчи, қўшимча хизматлар кўрсатиш киради.

Ушбу хизматларни бажаришда турли хилдаги касбий йўналишдаги малакали мутахассислар талаб этилади. Ўзларининг функционал мажбуриятлари бўйича мутахассислар ўз фаолиятлари даврида бевосита ва билвосита мижозлар билан муносабатда бўлишлари талаб этилади. Чунки, уларнинг юқори даражада сервис хизмат кўрсатишларидан, меҳмонхонанинг имиджи ва рақабатбардошлигига боғлиқ бўлади. Меҳмонхона турли ихтисосликдаги кадрларидан бири, бу сервис йўналишидаги бакалаврлар ҳисобланади.

Ҳозирги замон меҳмонхона сервис йўналишидаги бакалаврлар, меҳмонхона ва туристик комплексларида самарали бўлишлари учун улар мижозларга хизмат кўрсатиш технологиясидан ташқари, меҳмонхона хўжалиги моддий-техник базаси, унинг техникавий таъминланганлиги, яшаш ва умумий хоналарнинг безалиши, тузилишини ҳамда меҳмонхона хўжалигига боғлиқ бўлган меҳнат муҳофазаси, меҳмонлар хавфсизлиги ва ҳ.к. кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Шу билан бирга юқорида айтилган маълумотлар ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида туризм индустрияси, давлатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаб бораётганлиги ва унинг изчил ривожланишида меҳмонхона индустрияси ҳам такомиллашиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Меҳмонхоналар индустриясининг ривожланишида вужудга келган турли вазифалар, яъни замонавий меҳмонхоналарни, туристик комплексларни ташкил этиш, юқори даражада уларда сервис хизмат

кўрсатиш, ходимларга касбий билим бериш ва ҳ.к. билан такомиллаштириш талаб этилади.

Шунинг учун “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш” курсини бакалавриатурада ўрганишдан мақсад: талабаларда меҳмонхона ва туристик комплексларни ташкил этиш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш ҳақидаги назарий ва амалий билимларини келажакдаги иш фаолиятларида қўллаш ва шу соҳадаги талабаларнинг маҳоратларини ривожлантиришдан иборат.

“Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш” курси ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди: меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш, ривожлантириш асослари, меҳмонхоналар классификацияси ва хусусиятлари, моддий-техникавий базаси ҳақида умумий маълумотлар бериш; меҳмонхона ва туристик комплекслар техникавий таъминоти ва эксплуатацияси, меҳмонхона хўжалигида сервис хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш, меҳмонхона маркетинги ва савдо хизмати, овқатланишни ташкиллаштириш ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, қўйилган талаблар билан таништириш, амалиётда фойдаланиш малакасини шакллантиришдан иборатдир.

Фаннинг ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда талабалар:

- меҳмонхоналарнинг моддий-техник базасининг ташкил этилиши ва уларнинг эксплуатацияси;
- меҳмонхоналарда сервис хизмат кўрсатиш ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
- меҳмонхоналар классификациясини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини;
- меҳмонхоналарнинг техникавий таъминоти ва эксплуатациясини;
- меҳмонхоналарнинг асосий фондларини, бошқарув тузилмасини;
- меҳмонхоналардаги персонал ва меҳнат муносабатларини **билиш ва улардан фойдалана олиши;**
- меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ишларини ишлаб чиқиш;
- меҳмонхона моддий-техник базасини талаб даражасида бўлиши тадбирларини ташкил этиш;
- меҳмонхона хўжалигида сервис хизмат кўрсатишда **амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.**